

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

130 **Хизмат турар жойлари олиш ҳуқуқига эга бўлган
шахслар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Доимий яшаш жойидан ташқаридаги ҳудудда белгиланган тартибда ишга тайинланган давлат бошқаруви ҳудудий органларининг ва прокуратура органларининг ходимларига қулай турар жой шароитларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

* Илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 январдаги 24-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Хизмат турар жойлари олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатининг 20-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Бошқа минтақалардан ишга таклиф қилинган Президент Девони, Олий Мажлис Котибияти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари аппаратларининг масъул ходимлари, прокуратура органларининг ходимлари».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 6 март,
67-сон